

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида манзилли чоратадбир дастурига асосан маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Қумқўрғон туман Мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли 2-сон умумтаълим мактаби фаоллар залида ўқувчи-ёшлар, аҳоли вакиллари, кекса авлод вакиллари, маънавият фидоийлари иштирокида “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси Ойгул Абдурахманова, Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Менгнар Олломурадов иштирок этди.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар умумтаълим мактабида яратилган кенг имкониятлар, шунингдек мактабда ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун яратилган тўғараклар фаолияти билан танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан юртимизда олиб борилаётган улкан ислохатлар замирида аввало инсон учун унинг фаровон ҳаёти учунлиги ҳақида сўз юритилди.

Тадбир давомида туманда ижод қилаётган Содиқ бахши Марданақулов томонидан она Ватанимизни мадҳ этувчи дostonлардан парчлар айтилди.

Учрашув сўнгида туман ҳокими Анавар Нормаматов туманимизга ташриф буюрган меҳмонларга эсдалик совғаларини топширди.